

## НАБИ ЖАЛОЛИДДИН ҲИКОЯЛАРИДА ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

**Абилжон Абдурахмонов**

*филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) доцент*

**Мадинахон Ғофурова**

*ФарДУ магистранти*

**Аннотатсия:** *Мазкур мақолада ўзбек адабиётига ўзининг ёрқин ва сермахсул ижоди билан улкан ҳисса қўшиб келаётган Наби Жалолiddин ҳикояларида қаҳрамон яратиш маҳорати таҳлил қилинган,*

**Калит сўзлар:** *Бадиий асар, қаҳрамон, маҳорат, ижод, бадиий ғоя, миллий ғурур, байроқ, тимсол, воқелик, сюжет, динамика.*

Бадиий асарда, маълумки, асар қаҳрамони ижодкор бидий ғоясини юзага чиқарувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Адабиётшуносликда унга қуйидагича тариф берилади: “қаҳрамон, адабий қаҳрамон - 1) асар персонажлари тизимида етакчи мавке тутиб, ғоявий-бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалашда муҳим роль уйновчи шахс образи. Терминни бу маънода тушуниш эпик ёки драматик асар персонажларини даражалашни кўзда тутуди: сюжет воқеалари қаҳрамон атрофида уюштирилиб, бошқа персонажлар у билан боғлиқ холда асар воқелигига киритилади; улар қаҳрамон билан интегратив алоқада (хоким-тобе) булиб, унга нисбатан ёрдамчи функцияларни бажаради.”

Демак, қаҳрамон яратиш маҳорати ижод учун муҳим аҳамиятга эга экан. Бу борада истеъдодли ёзувчи Наби Жалолiddиннинг ижоди ҳам ўзига хослиги билан эътиборли. Қаҳрамон яратиш маҳоратидаги изланишларни ёзувчининг ҳар бир асари сайин ўзига хос кўриниш ола бошлаганини кузатишимиз мумкин. Унинг ҳар бир асари қаҳрамони асар табиатига кўра ўзгача гавдаланиб, бетакрорлик касб этганлиги аён бўлади. Масалан “Байроқ” ҳикояси марказида ҳаракатланувчи Ботирни олайлик. Ёзувчи қаҳрамоннинг номиданоқ унинг характерини ўзига хос тарзда китобхонга етказишга ҳаракат қилади. “Исми жисмига монанд” қабилида диққатни жалб қилади.

—Ботир болам сенмисан? – Дадасининг кайфияти яхши шекилли, чунки яхши бўлса, уни ҳозиргидай «Ботир болам» ёхуд «Ботир бола», дея чақириш одати бор эди.

Асар воқелиги бир чекка қишлоқда содир бўлади. Бунда Ботир мустақил Ўзбекистоннинг байроғини маҳалла кўчаси бўйлаб баланд кўтариб ўтиб, мактаб ҳовлисига олиб боради. Мустақил Ўзбекистоннинг байроғини ҳали танимайдиган ҳали ҳам эскилик “уйқусидаги” одамлар учун бу ғалати бўлиб



туюлади. Улар Ботирнинг бу ҳатти-ҳаракатларига турлича муносабатда бўлиб томоша қилиб турадилар.

Ботирнинг дадаси тафаккури шаклланаётган янги замон кишиларидан бири сифатида талқинланади.

“Қорнимиз олдингига қараганда хийла тўқ бўп қолди. Энди манавилар ҳақидаям ўйлашимиз керак — Дадаси бармоғи билан боши ва кўксини кўрсатди. Кейин пиёлаларга тагин арақ қуйди. — Менинг учта ўғлим бор. Мен уларнинг, энг аввало, ҳақиқий эркак ҳақиқий ватанпарвар бўлишларини истайман! — Шу гапни айтдию Тўлқин чўлоқнинг кўзларига бирпас тикилиб қолди. — Тушуняпсанми, Тўлқин, ҳақиқий ватанпарвар бўлишини истайман. . — Сўнг ҳафсаласи пир бўлгандай қўлини силтади-да, — ке, қўй... — дея арақни сипқорди.

Дадасининг гапидан кейин Ботир ҳам Тўлқин чўлоқнинг кўзларига қаради: улар гўё бўм-бўш эди, ҳатто, қорачиқлари ҳам йўққа ўхшарди. Тўлқин чўлоқ дадасининг гапини тушунмаётганлигини у ҳам пайқади. Нега энди тушунмаётганикин-а? Ахир Ботир кичкина бўлса ҳам, тушуняпти-ку. Ўғил бола ватанпарвар, яъни Ватанини яхши кўрадиган бўлиши керак экан. Наҳотки, шуни тушуниши қийин бўлса?!”

Асарда қаҳрамонлар исми орқали уларнинг характерини очиб бериш маҳоратини кузатишда давом этиш мумкин. Парча келтирилган сюжетдаги Тўлқин шулардан яна бир ёрқин мисолидир. Тўлқин аслида табиатда сувнинг кучли оқимда мавжлунишидан содир бўладиган физик жараён. Яъни сув сатҳининг юқорига кўтарилиши. Шу ўринда ёзувчи ушбу қаҳрамонни шундай исмини бериш билан кифояланиб қолмасдан унга “чўлоқ” лақабини ҳам тиркаб кетади. Бу унинг ногирон эканлигидан дарак беради. Бунинг устига у жамият сарқити бўлган “ароқхўр” сифатида тасвирланади. Ёзувчи томонидан ушбу қаҳрамон тимсолида халқнинг тўлқинланишининг, ўзлигини англашдаги шижоатининг қай аҳволга тушганлигига ишора ётгандай тушунча шаклланади.

Ҳикоя ватанпарварлик мавзусидалиги унинг бевосита кино лавҳаси билан боғланиши билан ҳам бойитилади. Ботирнинг дадаси АҚШ кино ижодкорли томонидан яратилган “Ватанпарвар” кинофильмидан беихтиёр илҳомланиб кетиши асар сюжети динамикасида муҳим ўрин тутаяди. Фильм қаҳрамони Бенджамин Мартин (Мел Гибсон ижросида) бошига тушган вазиятлардаги ҳодисалар Ботирнинг дадасининг руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатади.

“Мел Гибсон буткул тушкунликка тушди, жанг қилишдан воз кечиб, ортига қайтиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт ўғлининг сўмкасида Американинг титилган (ўғли тикиб, бутлаб қўйган) байроғини топиб олди. Шунда... У байроқни азот кўтариб, от устида пастлиқаан чиқиб келаётганда дадаси тагин «аҳҳ!» дея ўрнидан сапчиди. Унинг бўйин томирлари йўғон-йўғон бўлиб кетди. Дадаси



жуда барваста ва кучли одам эди. Ҳозир кўзларида ёш бўғриқиб, жўшиб туриши Ботирнинг ёдига «Шерюрак» фильмидаги Мел Гибсонни солди. Фильм охирида Мел Гибсонни қийнашиб, осиб қўйишади. Ана ўшанда унинг бўйни худди дадасиники каби йўғонлашиб, томирлари бўртиб кетади...

— Мана, байроқди қандай улуғлаш керак! — дея ҳайқирди дадаси.”

Ҳикоядаги илгари сурилган бадий ғоянинг юзага келиш нуқтаси айнан шу ер деб талқинлаш мумкин. Чунки асарнинг асосий қаҳрамони бўлган Ботирнинг дадаси тилидан байроқнинг қанчалик қимматли эканлиги эътироф этилиши Ботирнинг асар воқелиги давомида содир этадиган ҳаракатларига муҳим турки бўлиб хизмат қилади.

“Ботирнинг кўзлари катта-катта очилиб, дадасига тикилди.

— Байроқ шунақа азиз нарсами, дада? — бу сўзлар унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди.

Дадаси кескин у томонга ўгирилиб, кўзларига қаттиқ тикилди.

— Байроқ — бу Ватанди юзи-да, болам. Гап байроқ деб аталган бир парча латтада эмас... — деди ғоят сокин овозда. — Мана, менинг юзим, ана, сенинг юзинг. Байроғимиз эса Ўзбекистонимизди юзи!..

Худди шу ўринда миллий инқироз давлат рамзларига беписандлик орқасидан юзага келади, деган ёзувчининг қарашларини акс эттиради. Юқори синфда ўқийдиган бола шу типдагиларни ифодалайди:

“Ичкарида қорни тандирдай келадиган хўжалик мудирини уюлиб ётган турли нарсалар остидаги катта столни олишга ўринаётган икки юқори синф ўқувчисига «уни у ёққа, буни бу ёққа», дея бўйруқ бериб турарди. Бир пайт болалардаи бирининг қўлида дастасига беўхшов ўрамоқлаган, ранги униққан байроқ пайдо бўлди. “Буни нима қилай?» дегандай хўжалик мудиринга қаради. Мудирнинг, ҳатто, бирон тўқи ҳам қимир этмади.

— Наряққа, списат (Ботир бу сўзни тушунмаган, ҳатто, эслаб қололмаган бўлса-да, мудирнинг сўз оҳангидан «кераксиз нарса» деган маънони англади) қилинган байрақ, — деди девор остини кўрсатиб.

Ҳалиги бола аввалига ҳайрон бўлди, сўнг «менга нима» дегандай учиди ялтироқ найзаси бўлган байроқни девор тагига улоқтирди.”

Ботир эса шу сингари бефарқ, миллий ғурусиз кимсаларга қарама-қарши қаҳрамон сифатида гавдаланади.

“Ботир айна дамда ана ўша воқеани эсларкан, агар байроқ азиз нарса бўлса, унда хўжалик мудирини нега уни улоқтиришга буюрди, дея ўйларди. Ахир у ҳам дадасига ўхшаб кап-катта одам бўлса!.. Демак, байроқни қутқаришим керак, дея хаёл қилди у. Негадир миясига айнан шу — «қутқаришим керак», деган сўз келди.”



Ботир тимсолида шаклланиб келаётган ёш Ўзбекистоннинг ёшлари келтирилади. Улардаги шаклланаётган ватан ва ватанпарварлик туйғуси қаламга олинади. Шўролар даврининг сарқити сифатида тасвирланган хўжалик мудирлари ўз оdatига кўра барча нарсани омборига тўплаши ва у ерда мустақил Ўзбекистоннинг байроғига ҳам беписанд ва ҳурматсиз муносабатада бўлиши Ботирнинг нигоҳи орқали очиб берилади. Хўжалик мудирлари шўролардан қолган одамлар прототиби сифатида гавдаланади.

— Сенга нима берсамийкин? — деди мудир у ёқ-бу ёққа алангларкан. Шу пайт девор остида чанг босиб ётган байроққа кўзи тушди. Уни қўлига олиб, дастасидан чиқарди, бир четини оёки билан босиб, иккинчи четини қаттиқ силтади. Байроқ гўё инграгандай овоз чиқариб, ярмигача йиртилди. Уни ердан олиб, ёғжимлаб ўрамоқлади-да, Ботирга узатди.

— Ма, бировга кўрсатмай ишлат.

Ботир карахт эди. Мудирнинг бу ҳаракатлари асносида Мел Гибсоннинг кинолари кўз олдига келди...

Ботир байроқнинг нечоғли кадрли эканлигини дадасининг гапларидан кино кўриш чоғида таъсирланиб янада чуқурроқ англаб етганди. Доска латтаси қилиш учун хўжалик мудирлари йиртиб олган бўлагини уйда яхшилаб тикиб, дастмоллаб қўйиши ва хотира кунда ёғочдан ўтказиб мактабга кўтариб бориш манзараси билан тасвирлаб беради.

“Бола бу гапларнинг биронтасига парво қилмай байроқни мағрур кўтарганча гузардан ўтиб борарди. У ўз наздида, от устида Ватани байроғини кўтариб бораётган Мел Гибсондан кам эмасди. Бола чинакам жанг ичра борарди. Аммо ўзи буни англамасди, англашга ожиз эди. Бу ҳалқнинг, миллатнинг онг-тафаккурида эврилиш, эҳтимолки, инкилоб ясамоқ учун аҳд қилмоқ, курашмоқ тарихнинг улуғ жангларига кирмоқлиқаан кам эмаслигини у тушунмасди ва болакай бунақа чиройли гапларни билмасди. У замонларда байроқни қанчалик аҳамиятли ва нуҳим эканлигини оддий халқ унча англамасди э`тибор берсак ҳикояда дўкондаги йигит ва зиёлинамо кишини гаплари ўша даврдаги муҳитни очиб беради. Ботир қатор бўлиб давра кўрган мактаб жамоати ёнига етганда бир тўхтаб олди. Байроқ қўлидан тушиб кетай деди. Ўқитувчию ўқувчилар — ҳамма-ҳамма ўнга ўгирилди. Ҳатто, учрашув учун келиб, давра тўрида ўтирган уруш қатнашчиси бўлмиш икки чол ҳам ўнга қарадилар. Чор атроф сўқунатга чўмди. Ҳамма ҳайратда — ахир таомил бундай эмасди-ку!”

Кўчада байроқ орқали кишилар онгида янги ватан қуриш шавқини уйғота олиши ёзувчи томонидан томошабин одамларнинг Ботирга бўлган муносабатларидан аён бўлади. Тўлқин чўлоқнинг ҳам байроқдан завқланиб, айтган сўзлари асар бадиий ғояси моҳиятини белгилаб беришда муҳим ўрин тутди.



“Ботир «хўп-хўп» деди-да, кўчага чиқди. Оз-моз юргач, енгил шабада эсаётганини пайқаб, завқи келди. Ўрамоқланган байроқни ёйиб, дастасидан тутди ва боши узра кўтарди. Байроқ енгил, бироқ ёқимли ҳилпиради, бола қадамани тезлатгани сари тобора баралла ҳилпирайверди.

Кўчадаги одамларнинг бари ўнга қарарди. Айниқса, гузарга етганда одамларнинг минг бир маъноли нигоҳига уларнинг турфа сўзлари ҳам қўшилди:

— Ие, байрақ кўравоптими? — деб қўйди чинор остида ўтиргап чол.

— Байроғимиз чиройли экан-а? — деб қўйди дўкондан чиқаётгап йигит кулиб, худди байроқни биринчи бор кўриб тўргандай.

— Байроқ минан ҳазиллашиб бўладими! — дея тўнғиллади тамаки тутатаётган зиёлинамо киши. — Бунинг сиёсий томонлариям бор.

— Ҳе, яша, азамат! — деб бақирди биров. — Битта барабанчиям оволмабсан-да.

— Кимни ўғли ўзи бу? — дея сўради кимдир.

— Отасининг ўғли-да, — деди оғзига нос ташлаётган Тўлқин чўлоқ. — Байрақти эҳтиёт қил, Ботирвой!..

Шу пайт боланинг ортида дадаси пайдо бўлди. У велосипедини ерга ташлади-да, шаҳд ила ўғлига яқинлашди. Барчанниг нигоҳида «нима қиларкин?» деган ҳавотирли савол зоҳир бўлди. Ҳойнаҳой, бетаъсир ўғлига шапалоқ тортиб юборса керак Йўқ, ундай қилмади. Ота ўғлининг икки чаккасидан тутиб, кўзларига тикилди.

— Баракалла, ўғлим! — деди овози титраб ва мижжаларида ёш айланди. — Баракалла!.. — У ўғлининг пешанасидан ўпиб, даст кўтарди-да, елкасига ўтқазди ва давра томон юрди. Ботир байроқни янада юқори кўтарди. Бутун вужуди жимирлаб, кўзлари чақнади. Икки фахрий чол Ботирга меҳр ва завқ ила боқишаркан, беихтиёр чапак чалиб юбордилар. Уларга ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам эргашдилар. Ҳаммаёқ олқишга тўлди. Барча Ботирга ва унинг қўлидаги байроққа тикиларди, кўзларида эса турли маънолар балқиб турарди. Ботирнинг кичик акаси ўз синфдошлари орасида сафда турарқан, дадаси билан укасига боқиб, қаддини ростлади, елкаларини кўтарди.”

Шу ўринда асар сюжети яна хўжалик мудури пайдо бўлади. Унинг байроққа муносабати орқали жамиятдаги ўзгаришларга муносабати қанчалар тубанлиги ошкор этиб берилади:

“Тўққизинчи синфда ўқийдиган катта акаси эса синфдошининг ортига беркиниб, ерга қараганча тиржайди. Ўз сўрисининг устида тик туриб даврани томоша қилаётган хўжалик мудури ғўлдираб қўйди:

— Оббо қизталағей, янги байрақти қайдан топтийкин?..

Ботир ҳозир чинакам Мел Гибсон эди ва барчадан баландда турарди. Қўлидаги байроқ эса юксак-юксақларда мардона қанот крқарди.”



Шундай қилиб, ҳикоя сюжетида тўртта асар қаҳрамони динамик ҳаракатни юзага келтирганини кузатамиз. Булар Ботирнинг дадаси, Тўлқин чўлоқ, Ботир ва ҳўжалик мудирини. Ушбу қаҳрамонларга асар ғоясини очилишида алоҳида вазифалар юклатилган. Масалан Ботирнинг дадаси янги давр ва миллий ғурурни тимсолловчи қаҳрамон, Тўлқин чўлоқ миллий шижоат, интилиш тимсоли, ҳўжалик мудирини шўроларлан қолган сарқит – барча нарсани омборхонада сақловчи, Ботир эса миллий ғурурни байроқ қилиб кўтарган янги давр қурувчиси тимсолида.

Шунингдек, асарда кўчада байроқ кўтариб кетаётган Ботирга муносабат билдирган ҳар бир “кузатувчи” қаҳрамон асар ғоясини ёритиб беришда маълум бир ўз ҳиссасини қўшганлигини англаш мумкин бўлади.

Кўринади, Наби “Байроқ” ҳикоясида янги давр қаҳрамонини яратишга муяссар бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қуроноов Д., Мамажонова З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. –Б. 378.
2. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/nabi-jaloliddin/nabi-jaloliddin-bayroq-hikoya/>

